

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 6-fevral, chorshanba № 10 (15648)

Navqiron avlod so'zi

## Маънавият қўрғони мустаҳкам бўлсин!

Халқимиз янги иморат қурмоқчи бўлса, ишни, аввало, ўша жойни ихоталашдан, яъни девор билан ўрашдан бошлайди. Кичкиналгимда девор қуриш шунчаки ўз майдонини чегаралаш, қўни-қўшни билан келишиб олиш, хуллас, бир зарурат-да, деб ўйлардим. Аммо ёшим улғайгач, халқимизнинг бу тадбири замирида асрлардан асрларга ўтиб келаётган пухта тажриба борлигига амин бўлдим.

Девор, аввало, оила деган сирли қўрғоннинг дахлсизлигини таъминловчи, уйдаги ўзаро гапларнинг, яхши-ёмон муносабатларнинг кўчага чиқишига тўсиқ бўлувчи восита, ўзбекнинг хаёсини, орини мустаҳкам тутиб турадиган парда экан. Иккинчидан, оилани кўчадаги керакли-кераксиз гап-сўзлардан, бўлар-бўлмас шовқин-сурондан ихота қиларкан. Қолаверса, хонадонда улғаяётган ўғил-қизларни тарбияга салбий таъсир этувчи турли хатарлардан ҳимоя қилувчи қалқон вазифасини ҳам ўтаркан.

Жамият ҳам, аслида, оилага ўхшайди. Унинг ўзига яраша сир-асрори, ор-номуси, ёмон кўзлардан эҳтиёт қилиниши зарур бўлган хазиналари — ўғил-қизлари бўлади. Шунинг учун жамиятнинг, юртнинг ҳам мустаҳкам қўрғони, дуч келган кас топтаб ўтолмайдиган баланд девори бўлиши керак.

Девор бўлгани билан унга вақт-бемаҳал осилиб кўрадиганлар ёки пойдеворини кавлашга ҳаракат қиладиганлар, тарновини атайлаб шу девор устига тўғрилаб қўядиганлар ҳаммиша топилади. Бироқ юртимизнинг тинчлик, илм-маърифат, маънавият, ёшларнинг мустаҳкам ва соғлом дунёқараши, Ватанга муҳаббат аталмиш деворлари метиндек мустаҳкам, тоғдек баланд.

Ҳаёт ҳам, жамият ҳам шунга қиёс — Ватанимиз ёшларининг ишонч тоғи мустаҳкам, осмони мусаффо, суягувчи жонажон халқ хамиша ёнида. Бироқ бу ишончни, ғамхўрликни суистеъмом қилиш фарзандлик бурчимизга тўғри келмайди. Аксинча, куч-қувватимиз, иқтидоримизни юртимиз равнақи йўлида сарф этишни олий мақсад деб билмоғимиз лозим, деб ўйлайман.

Дарс ўтарканман, ўқувчиларимга мудом ушбу гапларни такрорлайман. Уларни юксак парвозлар, улкан муваффақиятлар кутаётганини айтаман. Чунки уларнинг замонавий билим олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари учун юртимизда барча имкониятлар мавжуд. Тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ҳукм сураётган юртда яшаётган йигит-қизнинг бу имкониятлардан оқилона фойдаланмаслиги мумкин эмас. Буни ўқувчиларим — укаларим, сингилларим жуда яхши англайди, ҳис этади.

**Зебунисо ХОЛМУРОДОВА,**  
**Зулфия номидаги**

**Давлат мукофоти соҳибаси,**  
**Олмазор тиббиёт коллежи ўқитувчиси**



5-бетга қаранг

Сардор Муллажонов фотокolleжи

Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch

## Китоб совға қилганмисиз?

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан Президентимиз раҳнамолигида инсон маънавиятини бойитиш, эътиқодини мустаҳкамлашнинг асосий омили бўлган адабиёт ва санъатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Шоир ва ёзувчиларнинг изланишлари, шарафли меҳнатлари муносиб рағбатлантирилиб, халқимиз онгу тафаккурини юксалтириш, ёшларни миллий кадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топтириш учун зарур шарт-шароит яратилаётир. Ёш ижодкорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир. Хусусан, истеъдодли қизлар учун Зулфия номидаги Дав-

лат мукофоти таъсис этилди. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳам бадиий ижод соҳасига қаратилаётган улкан эътиборнинг ёрқин намунасидир.

— Кишилиқ жамияти пайдо бўлибдики, инсоният яратган энг ноёб, энг

бебаҳо бойликлардан бири бу китобдир, — дейди шоир Шафоат Раҳматуллаев. — Китоб билан дўстлашган инсоннинг фикри теран, иродаси мустаҳкам бўлади. Ҳаётнинг маъно-мазмунини чуқур англайди. Баъзан давраларда китобхонлар камайиб кетаётгани ҳақидаги гап-сўзлар қулоғимизга чалинади. Бу фикрга қўшилмайман. Ҳозир ҳам китобхонлар кўп, аммо китоб дўконлари камайиб бораётгандай.

Термиз шаҳрида бири-бирдан гўзал ва салобатли 20 дан ортиқ тўйхона ва ресторан аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Шаҳар-

нинг ҳар бир чорраҳасида энг камида биттадан ошхона, озиқ-овқат дўкони ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчаси мавжуд. Буларнинг барчаси юртимиздаги тинчлик, фаровонлик ва тадбиркорларга яратилган қулай ишбилармонлик муҳити самарасидир. Йилдан-йилга чирой очиб, қиёфасини тубдан ўзгартираётган вилоят марказида «Сурхондарёкитобсавдо» масъулияти чекланган жамияти ва «Навонур-Файз-Фазо» хусусий корхонасининг биттадан китоб дўкони фаолият юритаётир.

(Давоми 2-бетда)

## Hududlardan mujdalar

КАШКАДАРЁ

**Карши давлат университетиди битирувчилар орасида тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган талабалар учун «Ёш тадбиркор — тараққиёт пойдевори» мавзуида семинар-тренинг ташкил этилди.**

«Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ташаббуси билан амалга оширилган ушбу семинарда вилоят савдо-саноат палатаси, Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси, вилоят «Қишлоққурилишбанк» ОАТБ, вилоят «Ипотекабанк» АТИБ, вилоят «Агробанк» ОАТБ, вилоят «Микрокредитбанк» ОАТБнинг масъул ходимлари қатнашди.

Семинарда Ҳаракатнинг вилоят кенгаши қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив маркази томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда имзоланган битимларга асосан, ёш тадбиркорларга кўрсатилган амалий ёрдам ва ажратилаётган имтиёзли кредитлар тўғрисида талабаларга маълумот берилди. Шунингдек, семинар иштирокчилари меъёрий қонун ҳужжатлари ҳамда имтиёзли микрокредитлар олиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар, чет эл технологиялари, уларнинг нархлари ва олиб келиш йўллари ҳақида тушунчага эга бўлдилар.

НАВОИЙ

**Вилоят «Ёшлар маркази»да «Камолот» ва «Камалак» сардорлари иштирокида «Камолот» атрофида бирлашамиз!» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбир бошида Ҳаракатнинг вилоят кенгаши раиси ўринбосари Абдор Султонов иштирокчиларга мамлакатимизда ёшларга яратилган имкониятлар ва улардан тўғри фойдаланиш ҳақида айтиб ўтди. Шундан сўнг «Камалак» болалар ташкилоти ва давра суҳбати ҳақида тўхталиб, сардорларнинг билим ва малакаларини ошириш, «Тенгдош-тенгдошга» усули орқали тарғибот ва ташвиқот ишларини самарали йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Сардорлар ўзлари таълим олаётган мактабларда амалга ошириш зарур бўлган ишлар бўйича кўрсатмалар олишди.

Давра суҳбати давомида вилоят «Камалак» болалар ташкилотининг ишлари таҳлил қилиниб, келгуси режалар белгилаб олинди. Шунингдек, сардорларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган интерфаол ўйинлар ҳамда ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи иллатлар тўғрисида тушунча берилди.

# Китоб совға қилганмисиз?

(Давоми, боши 1-бетда)

— Бир пайтлар туманларда «Матлуботсавдо» уюшмасининг китоб дўконлари аҳолига хизмат кўрсатар эди. Улар хусусийлаштирилиб, фаолият турини ўзгартирди, — дейди «Сурхондарёкитобсавдо» масъуляти чекланган жамияти бошқаруви раиси Парда Орипов. — Термиз шаҳрида жамиятимизга қарашли битта дўкон бор. Гоҳо китобхонлар сўраган бадиий асарни ўз вақтида топиб беролмаймиз. Масалан, яқинда бир мижоз дўконимизга жажжи фарзандларини олиб келди. Болалар дўконни қизиқиб кўздан кечирди. Ўзбек эртаклари китобларини сўради. Бундай асарлар дўконимизда йўқлигидан хижолат чекиб, яқин кунларда топиб беришни ваъда қилдик. Аслида, китоб савдосини ривожлантириш учун имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли. Бунинг учун сармодорларни жалб этиб, замонавий китоб дўконлари қуриш керак. Ана шунда китобхонлар эҳтиёжини таъминлаш учун шароит яратилади.

— Ўқувчилик, талабалик йилларимиз, илмий тадқиқот ишлари олиб борган вақтларимизда ҳам турли бади-

ий асарларни ўқиб, маънавий куч-қувват олардик, — дейди биология фанлари доктори, профессор Шукур Хуррамов. — Ҳозир ҳам бўш вақтларимизда миллий адабиётимизнинг яхши асарларини ўқиб тураман. Ҳаётимиз йилдан-йилга фаровон, турмушимиз обод бўлмоқда. Ана шундай бир даврда китоб дўконлари камайиб кетгани таассуфлидир.

Маълумотларга кўра, «Матбуот тарқатувчи» масъуляти чекланган жамияти Сурхондарё шўъба корхонасининг туманлардаги 91, Термиз шаҳридаги 32 мослашган кичик дўконларида кундалик газета-журналлар савдоси йўлга қўйилган. Истаган газетангизни топишингиз мумкин. Бироқ бу дўконлар вақтли матбуот нашрларини сотишга мўлжалланган бўлиб, аҳолининг бадиий китобларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш имкониятига эга эмас.

— Китоб инсоннинг ақлини чархлайди, уни яхшиликка етаклайди, — дейди нафақажўр Рустам Йўлдошев. — Келажак авлодларнинг бахту камоли, тинч, осойишта ва фаровон ҳаётида китобнинг ўрни бекиёс. Ўғил-қизларимизнинг одобли, маънан етук инсонлар бўлишини истаймиз. Шундай экан, яқинлари-

мизга совға сифатида китоб тўхфа қилсак, нур устига нур бўлар эди. Бугунги кунда ҳам унутилмас, шодиёна кунларда бир-биримизга китоб совға қилишни йўлга қўйсак, ўйлайманки, ёшларимиз ҳам биздан ўрнак олади. Зеро, яхши китоб инсонда миллий урф-одатларга ҳурмат, азалий қадриятларга муҳаббат туйғусини кучайтиради. Дунёда мафкуравий кураш авжга чиққан ҳозирги шароитда ёш авлодни миллатимизга ёт, бузғунчи ғоялар таъсиридан ҳимоя қилади. Бунинг учун, албатта, жойларда китоб дўконлари фаолиятини йўлга қўйиш керак.

Маҳаллада фалончининг ўғли жиноятга қўл урибди, қизи беҳаёроқ чиқибди, деган гапни эшитсак, ич-ичимиздан эзиламиз. Жиноят, одобсизлик, беҳаёлик каби иллатлар бизнинг миллатимизга ёт эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин кўп ҳолларда бундай нохуш ҳолатларнинг илдизини излашда барча айбни «ўйинқароқ» боланинг ўзига ағдариб қўямиз. Унинг оилада қандай тарбия кўргани, бўш вақтини қандай ўтказаётгани билан қизиқмаймиз. Боланинг жангари фильмлар кўриши ёки турли интернет тармоқлари, кўнгилочар ўйинлар таъсирига берилиб

қолгани ҳақида ўйламаймиз.

— Болаларда ёшлигидан китобга меҳр уйғотишимиз керак, — дейди термизлик психолог-ўқитувчи Абдумалик Нурмаматов. — Бола компьютердан керакли маълумотларни олиши, интернетдан фаол фойдаланиши мумкин, лекин унинг китоб ўқишини мунтазам назорат қилиб бориш керак. Оилада, мактабда китоб мутолаа қилишнинг афзал томонларини тушунтириш, уларни болалиқдан кутубхона, китоб дўкони билан яқиндан таништириш лозим.

Дунёда «оммавий маданият» никоби остида ҳар хил ёт ғоялар ёшлар тафаккурига жиддий таҳдид солаётган бир пайтда уларнинг эътиқодини мустаҳкамлаш, келажакимиз бўлган ёшларнинг маънавий баркамоллигини таъминлаш ҳақида ўйлашимиз зарур. Бу борада, аввало, бадиий адабиётга таяниб иш кўриш лозим. Бунинг учун шаҳар ва қишлоқларимизда китоб дўконлари бўлиши даркор. Шунда баркамол авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири**

## Амалиёт ҳам сеvimли машғулот

Бугунги куннинг талаби ўзгача: касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёни барча меъёрларга жавоб бериши, ёшлар қайсидир бир ҳунарнинг эгаси бўлиши, қисқаси, ўқувчилар учун сабоқ олиш, амалиёт ўташ сеvimли машғулотга айланиши зарур. Бу талабни бажариш эндиликда кўникмага айланиб бормоқда.

Бу ўқув йилида Даштотбод касб-ҳунар коллежининг 334 нафар битирувчиси бухгалтерия ҳисоботи, кенг ассортиментдаги кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштириш, транспорт воситаларидан фойдаланиш ва таъмирлаш, транспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш, темир йўл станцияларига хизмат кўрсатиш каби саккизта йўналиш бўйича мутахассис бўлиб чиқади. Демак, улар халқ хўжалигининг турли тармоқларида коллежда олган билим ва кўникмаларини, янги ва замонавий технологияларни амалга татбиқ этади.

— Бу йилги битирувчиларни ҳам доимий иш билан таъминлаш учун бор имкониятларимизни ишга солаёلمиз, — дейди коллеж директори Равшан Бобожонов. — Корхоналар билан уч томонлама шартномалар тузишни бошлаб юборганмиз. Меҳнат бозорида рақобат кучли бўлганлиги сабабли битирувчилардан 75 нафар, 2-босқичдан 100 нафар ўқувчи қўшимча ҳайдовчилик курсига ўқитилмоқда. Туман аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бан-

дликка кўмаклашиш маркази билан доимий алоқа ўрнатилган. Бу йилги битирувчиларимиз Даштотбодда жойлашган «Пахта тозалаш» ОАЖ, йўл қурилиш бўлими, темир йўл станцияси, автосервис шохобчалари ва бошқа корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўтади. Уларни ўзлари амалиёт ўтаган жойда ишлаб қолишини режалаштирганмиз.

Дарвоқе, коллеж 2003 йилда реконструкция қилингандан сўнг ўқув ишлаб чиқариш устахонасига замонавий жиҳоз ва асбоб-ускуналар келтирилиб, моддий-техник базаси яхшиланди. Устахонада автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, дастгоҳлик, электр жиҳозларини таъмирлаш, автомобиль тузилиши, деталарни таъмирлаш цехлари мавжуд.

— Ўқувчиларнинг назарий жиҳатдан олган билимларини мустаҳкамлаш учун ишлаб чиқариш усталари, малакали мутахассислар фаолият олиб бормоқда, — дейди бош уста А.Ёрбеков. — Улардан дастгоҳлик цехида К.Шодиёров, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш цехида Ф.Ҳамроқулов ўқувчиларга касб сирларини ўргатмоқда. «Ёш автомобилчи» тўғараги ташкил қилинган. Унда ишлаб чиқариш устаси С.Болтаев ўқувчилар билан дарсдан бўш вақтларида автомобиль бўйича тўғарак машғулотларини олиб бормоқда. Бундан ташқари, уларни «ВС» тоифали ҳайдовчилик касбига ҳам тайёрламоқдамиз. Давлатимизнинг малакали кадрларни тайёрлашга кучли эътибори сабаб ўқувчиларнинг автомобилларни ҳайдаш учун ёнилғи маҳсулот-

лари ажратилган. Коллеж автомайдонида ўқитувчилардан Т.Исмоилов, Н.Ибодуллаев талабаларга автомобиль бошқаришни ўргатиш билан банд.

Билим олиш учун, албатта, манба керак. Коллежнинг ахборот-ресурс маркази 17000 та китоб фондига эга. Коллежда таҳсил олаётган 1114 нафар ўқувчи, қирқдан ортик ўқитувчи-педагоглар ҳамда коллеж жойлашган ҳудудда истиқомат қилувчи 21 киши ушбу АРМга аъзо. АРМда умумтаълим, махсус ижтимоий сиёсий фанлар бўйича 64 нусхадаги электрон дарсликлар, олти нусхадаги слайд ва плакатлардан ўқитувчилар дарс жараёнида унумли фойдаланишади. Доимий китоб кўргазмалари ташкил этилиб, улар белгиланган муддатларда янгилаб турилади. Шунингдек, тарихий саналарга бағишлаб тадбирлар ўтказиб турилади.

Коллежда никоҳ ёшига етмаган қизларни шаръий никоҳ орқали эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ўқувчи-қизлар ўртасида «Қиз бола шаъни — қиз бола номуси» мавзуида давра суҳбатлари ташкил қилинган. «Ёш оила қураётганлар мактаби» доимий равишда ишлаб турибди. Коллежда маълум ютуқларга эришган ўқувчилар талайгина. Юртбошимизнинг «Юсак маънавият — енгилмас куч» асари асосида ўтказилган иншолар танловида 3-курс ўқувчиси Озода Абдурашидова вилоят босқичида Фахрли ўринни эгаллаган.

Бугунги битирувчи — эртага мутахассис. Ўз олдига эзгу мақсад қўйган ҳар қандай онгли ўқувчи келажакда етук кадр бўлиб етишгач: «Коллежда ўқиб шу даражага етдим, ҳукуматимизга, устозларимизга раҳмат», дея кўнглидан ўтказишига шубҳа йўқ.

**Шоди ОТАМУРОД, «Turkiston» мухбири**

 Kun mavzusi

# Бойчечак қўшиғи

Юртимизнинг ўзига хос табиати бор. Гарчи ҳозир тақвим бўйича қиш бўлса-да, далаларда баҳор нафаси сезилиб қолди. Аёзли дамлар чекиниб, қуёш тафти кўтарила бошлади. Қорлари эриган қир ва адирлар билинар-билимас яшил тусга кириб, бойчечак бўй кўрсатмоқда...

Анча вақтдан буён қишлоққа бормангандим. Синфдош ўртоқларим дам олиш куни учрашувга таклиф қилишганда «йўқ» демадим.

Шаҳардаги одатий турмуш тарзига ўрганиб қолганим учунми, йўл-йўлакай одамларнинг ариқ-зовурларни қазийгани, дарахтларга шакл бераётгани, дала четлари ва анҳор бўйлари яшил либос кийганини кўриб, баҳор яқинлашаётганини ҳис қилдим. Ҳаво бироз совуқ бўлишига қарамай, машина ойнасини очиб, кўклам нафасини туйдим.

Дўстлар ва баҳор соғинчи сабабми, билмадим, қишлоққа бу гал гўёки бир лаҳзада етиб келгандек бўлдим. Дўстлар билан анчагача сўхбатлашиб, болалик чоғларимиздаги шўхликларни, биргаликда «бойчечак» айтиб, эртаси куни ўқитувчимиздан дакки эшитганимизни эсладик...

Бошланғич синфда ўқирдик. Қишнинг совуқ кунларидан зерикганимиз учун, февраль ойи бўлса-да, ҳавонинг бироз исиб қолганидан яйраб, куннинг иккинчи ярмида қишлоқ четидаги қирда қош қорайгунча роса чириқиб ўйнардик. Шундай кунларнинг бирида қирда тош тагида қуёш томон талпиниб, сап-сарик бўлиб очилиб турган бойчечакни кўриб, катта ҳазина топгандек қувониб, роса қийқирдик. Бойчечакни суғуриб олдиқда, нима учунлигини билмасак ҳам, бобо ва бувиларимиз айтганидек «омонлик, омонлик» деб уни кўзимизга суртдик.

— Болалар ҳали қишлоқда ҳеч ким бойчечак топган эмас, биз биринчи бўлдик, — деди ўзини жўрабоши санайдиган синфдошимиз Азиз. — Келинлар, бугун кечқурун «бойчечак» айтамыз.

Эртанги дарсга тайёргарлик кўриш ўрнига бу оламшумул янгиликни қишлоқдошларимизга етказдик. Кеч туша бошлаганига қарамай, икки соат давомида уйма-уй юриб «бойчечак» айтдик. Қишлоққа биринчи бўлиб бойчечак олиб келганимиз учун ҳамма уйда бизни очик юз билан кутиб олишар ва турли ширинликлар, ҳатто пул билан сийлашарди. Айрим хонадонлардан эса ўзимиз тенги болалар бизга қўшилиб, бойчечак қўшиғини қуйлашиб, бир-иккита уйга кириб-

чиққанимиздан сўнг улар яна ортга қайтишарди. Биз эса ўша оқшом қишлоқдаги барча хонадонга бойчечак кўтариб кирдик. Қўшиқ айтиб одамларга яхши тилаклар билдирдик. Фақатгина синф раҳбаримизнинг уйини четлаб ўтдик. Чунки ўқитувчимиз ҳеч қачон уйига бойчечак қўшиғини айтиб келганларни хушламас, бизга ҳам бундай тadbирларда қатнашмасликни тайинларди.

Лекин эртасига барибир ўқитувчимиздан дакки эшитдик. Муаллим атайин биз — бешовлондан уйга вазифани сўради. Табиийки, тайёр бўлмаганимиз учун ер чизиб ўтиравердик. Шунда у: «Кечаси билан уйма-уй кириб, «бойчечак» айтгандан кейин, албатта, дарсга тайёр бўлмайсизлар-да», деб барчамизни машғулот тугагунча синф бурчагига тикка қилиб қўйди.

Шу воқеадан кейин ўша баҳор бошқа «бойчечак» айтмадик. Аммо келгуси йилда яна қишлоқда биринчилардан бўлиб бу баҳор элчисини кўтариб, қўшиқ қуйладик.

— Ҳозир ҳам қирда бойчечак очилган, — деди бугун икки нафар фарзанднинг отаси бўлган Азиз бизга маъноли қараб. — Кеча маҳалла болалари бойчечак кўтариб келди. Юринлар, қирга чиқиб, бир болаликни эслаймиз.

Бу таклиф барчамизга маъқул тушди ва биргаликда қир томон йўл олдик. Чиндан ҳам қирнинг қуёш нури тушадиган жойларида оқ ва сарик бойчечаклар очилган, соя жойларда эримай қолган қор уюмлари остидан бош кўтараётган майсалар эса совуқ билан курашиб, қуёш томон талпинаётгандек эди. Ҳар биримиз ўз хаёлларимиз билан бўлиб, анча вақт бойчечак тердик.

Яна ўша болаликдаги каби қош қорайганда қишлоққа қайтдик. Бойчечак қўшиғимизни айтдик. Қишлоққа киришдаги собик синф раҳбаримизнинг уйи олдидан ўтаётди, дўстларимиздан бири муаллимимиз ҳозир бетоб бўлиб, уйда тўшақда ётгани, бирров кириб ўтсак, хурсанд бўлишини айтиб қолди. Йўл ёқасидаги новвойхонадан тўртта нон олиб, ўқитувчимизни йўқлаб бордик.

Бир пайтлар салобати ва жарангдор овози билан каттаю кичикни сергак тортирадиган ўқитувчимиз жуссаси кичрайиб қолган, овози ҳам хаста эди. Барчамизнинг ишимиз, оиламиз билан қизиқиб, ҳол-аҳвол сўради. Йўқлаб бизганимиздан миннатдор бўлиб, ўқитувчилик йилларини эслади. Шу пайт кўчадан болаларнинг «бойчечак» айтаётган овози қулоққа чалинди. Барчамиз жим бўлиб қолдик. Шу тобда барчамиз бундан бир неча йиллар олдинги воқеани кўз олдимизга келтираётганимиз аён эди.

Ҳовлига кириб келган болаларнинг қўшиғи хаёлларимизни тўзғитиб юборди:

*Бойчечак айтиб келдик эшигингизга,  
Худойим ўғил берсин бешингизга.  
Бойчечак айтган билан тўямизми,  
Қадимги расмимизни кўямизми?..*

Ўқитувчимиз болаларнинг қўлидан бойчечакни олиб кўзларига суртди. Шу кунларга етказганига шукрона айтди. Бир муддат чўзилган совуқ сукунатни ўқитувчимизнинг ўзи бузди.

— Ўша пайтларда шароит шунақа эди-да, — деди муаллим эски воқеани эслаб. — Партия аъзосимиз, деб кўкрак кериб юраверганмиз. Наврўз ва ҳайит байрамларини нишонлаш, рўза тутиш, сумалак пиширишдан чўчирдик. Бу тadbирларни ўтказганларнинг турли идораларда сарсон бўлгани, ҳатто жавобгарликка тортилганига ҳам гувоҳ бўлганмиз. Шукрки, бугун у дамлар ортда қолди. Халқимизнинг миллий байрамлари, анъана ва қадриятлари тикланди. Энди бизнинг уйга ҳам болалар бойчечак айтиб келаётгани бўлди.

Ҳақиқатан ҳам Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан бугун халқимизнинг бир неча мингйиллик қадимий анъана ва қадриятлари, миллий урф-одатлари тикланди. Шу билан бирга, юртимизда бошқа миллат ва элат вакилларининг ҳам ўз миллий байрам ва маросимларини эмин-эркин нишонлашлари, анъаналарини давом эттиришлари учун қонуний асос ҳамда муносиб шарт-шароит яратилди.

— Қишлоғимизда ҳар йили кунлар исиб, баҳор нафаси сезилиб қолган пайтда «Бойчечак тўйи» ўтказилади, — дейди Ургут тумани «Хўжабаланд» маҳалласи фаоли Ёрқин Йўлдошев. — Қишлоқнинг бир гуруҳ ўсмирлари ҳар бир хонадонга бойчечак қўшиғи айтиб боради ва аҳолини тўйга таклиф этади. Саховатли, ҳиммати баланд кишилар, хомийлар кўмағида катта қозонда ош дамланиб, каттаю кичикка улашилади. Бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган бу тўй тарихи билан қизиқганимизда, кекса авлод вакиллари эски тузум даврида Наврўзни нишонлаш тақиқлангани учун аҳоли ушбу байрамни бойчечак тўйи деб номлаганини айтишди. Энди Наврўз юртимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Лекин қишлоқдошларимиз «Бойчечак тўйи»ни ҳам йили бўйи орзиқиб кутадилар. Бу тўй ҳар йили Наврўз байрамига уланиб кетади...

**Ғолиб ҲАСАНОВ,  
ЎЗА мухбири**

# Тажриба ва малаканинг асоси

Ўзбекистон Миллий университетининг тўртинчи босқич талабаси Мўътабар Воҳиджоновна малакавий битирув иши мавзусини ҳужжатли фильмларда қаҳрамон танлаш хусусида олган эди. Шу боис у битирув олди амалиётини киностудияда ўтаб қайтди. Университетда ўтказилган анжуманда Мўътабар амалиёт жараёнида кузатганлари, ўрганганлари ҳамда зарурий материаллари хусусида устозлари ва тенгдошлари ҳузурда батафсил маълумот берди.

«Журналист кадрларни тайёрлашда назария ва амалиёт уйғунлиги» мавзусидаги мазкур анжуманда университетнинг журналистика факультети бакалаврият таълим йўналиши тўртинчи босқич талабалари ҳам Мўътабар Воҳиджоновна қаторида битирув олди амалиёт ҳисоботларини топширдилар.

Талабаларнинг битирув олди амалиётларини ўташ-

ри учун университет томонидан ҳар йили республикадаги ОАВ билан ҳамкорлик ўрнатилиб, бу жараёнда уларга барча шароитлар яратиб берилади. Анъанага биноан 2012 йил 3 сентябрдан 27 октябргача бўлган битирув олди амалиётида ҳам талабалар республиканинг турли ҳудудларида ўз ижодий маҳоратлари ва тажрибаларини ошириб қайтдилар.

Жумладан, битирувчи курс

талабаларининг 31 нафари давлат ва нодавлат газеталарда, 7 нафари журналларда, 25 нафари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва нодавлат телерадиоканалларда, 4 нафари давлат ташкилотларининг жамоатчилик билан ишлаш бўлимида битирув олди амалиётини ўтади.

— Мен битирув олди амалиётини Қашқадарё вилояти Китоб тумани газетасида ўтадим, — дейди тўртинчи босқич талабаси Дилшоода Абдурахмонова. — Шунингдек, бундан кейинги фаолиятимни ҳам бевосита таҳририятда олиб боришни режалаштирганман. Боиси, журналистика шундай соҳаки, у жамиятнинг барча жабҳаларини кузатиш, таҳлил қилиш имконини беради. Соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиш эса биз, ёшларнинг асосий вазифамиздир.

Маълумки, бугунги кунда интернет журналистикаси тобора ривожланиб бормоқда. Ҳар жабҳада замонавий ахборот коммуникацион технологиялар амалиётга кенг татбиқ этилмоқда. Бу жараёнда ҳам ёшлар етакчи кучни ташкил этаётгани қувонарли ҳол. Шу маънода университетнинг ўн нафар талабаси ЎЗ доменда рўйхатдан ўтган электрон нашрларда амалиёт ўтаганликларини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Анжуманда сўзга чиққанлар назария ва амалиёт уйғунлигининг тўғри ташкил этилиши келажақда етук кадрларнинг етишиб чиқишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳамда журналист кадрларни етиштириб беришда барча таълим муассасаларида назария ва амалиёт биргаликда олиб борилишига бирламчи вазифа сифатида қаралаётганлигини таъкидладилар.

**Хулкар УЗОҚОВА,  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси**

# Hududlardan mujdalar

СУРХОНДАРЕ

**Музработ туманидаги агросервис касб-хунар коллежида «Биз, ёшлар соғлом турмуш тарзини танладик» шиори остида «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

Ушбу танлов «Камолот» ЁИХ Музработ тумани кенгаши ташаббуси ва касб-хунар таълими бошқармаси, туман ИИБ, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда тумандаги олти касб-хунар коллежи жамоалари таништирув, савол-жавоб ва саҳна кўриниши шартлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Бир-бирдан қизиқарли шартлар асосида ўтган беллашув сўнггида Музработ агросервис касб-хунар коллежининг «Суперсервис» жамоаси биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Эндиликда ушбу жамоа танловнинг вилоят босқичида туман шаънини химоя қилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

**Пойтахтимиздаги барча умумий ўрта таълим мактабларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари учун «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш омиллари» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.**

Семинарда маънавий-маърифий ишлар бўйича фаолият самарадорлигини тубдан яхшилаш, бу борада мавжуд муаммоларни бартараф этиш, мактабларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларига методик ёрдам кўрсатиш, таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш масалалари атрофича муҳокама қилинди.

Тadbирда ўқувчилар билан ишлашда жамоатчилик кенгаши ва маҳалланинг ўрнини кучайтириш, «Ота-оналар университети» фаолиятини кучайтириш, маҳаллалардаги ноқобил, нотинч оилаларда тарбияланаётган болаларнинг таълим-тарбияси ҳамда уларга ҳар томонлама ижтимоий қўмаклашиш қўламини кенгайтириш каби бир қатор долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

# Тарбиянинг мақбул йўли

Menga so'z bering

Инсондаги барча фазилат ва хислатлар оилада шаклланади. Одоб-ахлоқ, инсонийлик, меҳмоннавозлик, эл-юртга, жамоага, қолаверса, атроф-муҳитга бўлган муносабатлар ҳам оила даврасида қарор топади. Буюк аждодлардан мерос қолган қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни ўрганиш, идрок қилиш ва шууримизга синдиришда ҳам оиладаги тарбиянинг аҳамияти катта.

Оила нафақат жамиятнинг, давлатнинг кичик, бироқ муҳим бўғинидир. Жамиятнинг ҳар бир аъзосининг етуклигини ҳам, инқирозини ҳам у вояга етган оиладаги муҳит белгилаб беради. Агар оила баркамол, ота-оналар ҳамиятли, одоб-ахлоқли, маънавияти юксак, миллий қадриятларимиз-

га содиқ ва эътиборли бўлса, бундай оиладан ватанпарвар, халқпарвар, миллатимиз шаънини собит туриб ҳимоя қила оладиган салоҳиятли фарзандлар етишиб чиқади.

Юртимизда азалдан оила қуришга муҳим ва масъулиятли вазифа сифатида қаралади. Йигитларни уйлантириш ва

қизларни узатишда улар камол топган хонадонга, ундаги маънавий муҳитга алоҳида эътибор берилади. Зеро, буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ўғилларини уйлантиришда келинликка номзод қизнинг оиласида тарбияга, маънавиятга эътибор нечоғлик эканига қизиққан бежиз эмас. Бу таомил бугунги кунда ҳам юртимиздаги кўпчилик оилаларда қадрият сифатида сақланиб қолган. Қадриятки, нафақат оила, балки давлат миқёсида улкан аҳамият касб этиб, маънан етук, жисмонан соғлом оилани шакллантиришнинг, унда юксак маънавий ва ахлоқий муҳитни қарор топтиришнинг

муҳим мезонига айланган.

Соғлом маънавий муҳитга эга оилаларни шакллантириш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишлар кўлами ва аҳамияти жиҳатидан андоза олгулик эканини таъкидлаш жоиз. Пировардида, оилалар манфатларини таъминлаш учун зарур ҳуқуқий асослар яратилди, уларни моддий ва маънавий қувватлаш тизими шакллантирилди. Бу, айниқса, ёш оилаларни шакллантиришнинг дастлабки босқичидаёқ яққол кўзга ташланади. Масалан, никоҳланувчиларнинг тиббий кўрикдан ўтказилиши мажбурий дея қабул қилинганлигининг ўзи соғлом оилани

бунёд этиш учун қўйилган муҳим қадам бўлди. Келин-куёв ўртасида тузилаётган никоҳ шартнома-си эса ўзаро тенгликка, оиланинг муқаддаслигига далолатдир. Бундан ташқари, ФХДЁ бўлимлари қошида ташкил этилган «Ёш оила мактаби» машғулотларидаги маърузалардан баҳраманд бўлаётган бўлғуси келин-куёвлар оила қуриш масъулиятини теран ҳис этишар.

Мутахассислар фикрича, маънавият, маърифат ва маданият тушунчаларини ёш авлоднинг онгу шурига синдиришни, аввало, оиладан бошлаш, сўнгра мактаб, академик лицей ва касб-хунар кол-

лежлари, учинчи босқичда эса олий таълим муассасаларида, бир сўз билан айтганда, тизимли давом эттириш яхши самара беради. Чунки ушбу бўғинлар бир-бирига боғлиқ ҳолатда ўзига хос занжирни ташкил қилиши лозим. Шундагина кўзланган мақсадга тез ва самарали тарзда эришиш мумкин.

Оила — муқаддас даргоҳ. Буни ҳар бир йигит-қиз ёшлиқдан шуурига синдириб, қалбига муҳрлаши даркор. Бу мақсадга, табиийки, биз, катталар ёшларга ўрнатқилиб эришишимиз мумкин. Чунки ўрнатқилиш тарбиянинг энг мақбул йўли.

**Моҳигул БОБОЕВА,**  
**Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси**

Jarayon

## Коллеж — корхона ҳамкорлиги



Ёшлар сиёсатининг устуворлиги эртанги кун фаровонлигини таъминловчи кучдир. Ҳар соҳада етук, ёш кадрларга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Замонавий технологиялардан бемалол фойдалана оладиган, энг сўнгги янгиликлардан бохабар, турли чет тилларини мукамал эгаллаган иқтидорли ёшларимиз улкан ютуқларни қўлга киритиб келмоқдалар. Бунинг замирида яратилаётган имкониятларнинг кўлами чексиз.

Яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» мавзусидаги маърузаси 2012 йилда амалга оширилган иқтисодий-сиёсий, хизмат кўрсатиш соҳаси, соғлиқни сақлаш тизими, қишлоқларда тақомиллаштирилган замонавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш ва қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш, йўл транспорт ва коммуникация инфратузилмасини тақомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар кенг кўламли тахлил этилгани билан эътиборга молиқдир.

Келажақ ворислари доимо эътиборда. Юртбошимиз томонидан ёшлар таълим-тарбиясига оид соҳа алоҳида эътироф этилар экан, касб-хунар коллежлари ҳамда корхона-ташкilot — икки томонлама ҳамкорлик жорий йилда ҳам давом этиши мақсадга мувофиқ эканига урғу бериб ўтилди.

Дарҳақиқат, касб-хунар коллежларининг энг фаол ва иқтидорли ўқувчилари амалиёт ўташ давомида икки томонлама шартнома асосида ишга жойлашадиганликлари уларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунаси, десак, муболаға бўлмайди. Биргина Наманган

вилоятида 2012 йилнинг ўзида 37141 нафар ёш иш билан таъминланди. Мисол учун «Ўз-Часис» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасида 40 нафар, «Узар-Чак» импорт-экспорт трейд хорижий корхонасида 35 нафар, «Текстил либослари» МЧЖда 25 нафар, «Афруз-Камол-Наби» корхонасида 54 нафар, «Водий мадад сервис» МЧЖда 75 нафар ёш йигит-қиз ўз соҳаларида фаолият олиб бормоқда.

Бундан ташқари, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, «Камолот» ЕИХ ҳамкорлигида ўтказилаётган «Бўш иш ўринлари» ярмаркаларида корхона ва ташкilotлар фаол иштирок этиб бормоқдалар. Олий ўқув юрти, коллеж ўқувчилари ҳамда вақтинча ишсиз ёшлар ўз соҳаларига оид бўш иш ўринлари билан танишиб, ўша вақтнинг ўзидаёқ шартнома имзолашга эришмоқдалар.

Юртбошимиз айтганларидек, янги иш ўринларини ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш 2013 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади.

**Ойдина РЕЖАББОВА,**  
**Наманган вилояти**

Qadriyat

Фарзандларимиз шунчаки вақт ўтказиш, зерикмаслик учун ўйнайдиган ўйинлар замирида ҳаёт, турмуш воқеа-ҳодисалари, урф-одат ва миллий қадриятлар, инсоний муносабатлар, меҳнат кўникмалари мавжуд. Масалан, ўйиндаги ҳатти-ҳаракатлар болаларнинг жисмоний чиниқишига омил бўлса, ўйин қуролларини ўз қўллари билан тайёрлашлари уларнинг меҳнатсеварлик қобилиятларини шакллантиради.

## ЎЙИНЛАР — тафаккур ҳосиласи

Гуруҳ-гуруҳга бўлиниб, жамоавий тарзда ўйналадиган ўйинларда болалар фақат ўзи учун ҳаракат қилади. Бу эса, кичкинтойларнинг жамият муносабатларига киришишига, ўртоқлари, ота-онаси, Ватани олдидаги масъуллик ҳиссини шакллантиришига ёрдам беради.

«Читтигул», «Оқ теракми, кўк терак» сингари шеърлий матнлар асосидаги ўйинларда эса ижодкорлик, сўзни ҳис этиш, нотиклик қобилияти камол топа боради. Арқон тортиш, чиллак каби ўйинлар болаларнинг кучли, бақувват бўлиб ўсишига ёрдам бериши билан бирга, уларнинг ғалабага бўлган иштиёқини янада кучайтиради.

Бугунги кунда дидактик мақсадларга йўналтирилган компьютер ўйинлари кенг тарқалган. Бу ўйинлар уйда ҳам, маҳалла-кўй, кенг майдонларда ҳам ўйнашга мосланган. Улар болаларни топқир ва кутилмаган қарорлар қабул қилишга ўргатади, тафаккурини ривожлантиради. Ўйинлар жараёнида болалар жамоасини шакллантиришга омил бўлувчи дўстлик тушунчаси юзага келади. Бу ўйинлар бо-

лаларда тенгдошлари, маҳалладошлари, бир хил кизиқишдаги ўртоқлари ўртасида аҳиллик туйғусини тарбиялайди.

Мисол учун, болалар кенг майдонларда ўйнайдиган чап бериш ўйинида бир-бирларига тутқич бермаслик учун чаққонлик билан ҳаракат қиладилар. Қочаётган бола қувлаётганига: «Тутма, тутма, тутма. Сен мени тутма. Орқандан бўри келса, нонни чайнамай ютма», дея ҳали у ён, ҳали бу ёнга сакраб чап беради. Қувлаётган бола ҳам чаққонлик билан қочаётгани тута олса, улар ўрин алмашиб, ўйинни яна давом эттирадилар. Бу ўйин болаларни зийракликка, чапдастликка ўргатади.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий-биологик зарурат туфайли юзага келадиган болалар ўйинлари улар ҳаётида юксак эстетик моҳият касб этади. Шу боис бугун ушбу ўйинларни миллий қадриятларимизнинг бир бўлаги сифатида кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани аҳамиятлидир.

**Баҳоидир РАҲМОН**

Savodxonlik bayrami

## Қувноқ ва бетакрор

Ҳали мактаб ёшига етмаган пайтлари ака-опасига

«Мен ҳам мактабга бораман», дея хархаша қилган бола вақти келиб уч-гўрт ой ичида ҳарф таниб, бурро-бурро ўқий бошласа, қайси ота-она хурсанд бўлмайди дейсиз? Кечагина китоблардаги суратларни кўриб, ота-онасини турли саволлар билан қийнаган бола бугун саводхонлик байрамида шеърлардан баралла айтиб берса, унга ҳавас қилмай бўладими? Болалик байрамлари ҳар доим хотирада муҳрланиб қолувчи, ўчмасдир.

Жиззах вилоятининг Фаллаорол шаҳрида жойлашган 44-мактабда ҳам ана шундай дилга ўчмас онларни ҳада этган унутилмас байрам — саводхонлик байрами бўлиб ўтди. Унда 1-синф ўқувчилари устозларига, ота-оналарига, ака-опаларига ўзлари тайёрлаган рақслар, ёдлаган шеърларини юқори кўтаринкилик-

да ижро этиб беришди.

— Барчамизнинг ҳаёти-мизда қувноқли кунлар жуда кўп. Лекин саводхонлик байрами илк ва ягона тадбирдир. Бу байрам ҳеч бир кишининг ҳаётида қайта такрорланмайди, — дейди 1-синф ўқувчиларининг биринчи устози Феруза Отамуродова. — Байрамга пухта ҳозирлик кўрдик. Ўқувчи-

рим Нигина Жумабоева, Мафтуна Очилованинг миллий куй-кўшиқларига рақс тушиб бергани, айниқса, барчага завқ шавқ улашди. Бу ўқувчиларда келгусида бошқа байрамларга ҳам тайёргарлик кўришга кўникма ҳосил қилди, албатта.

Тадбир сўнггида мактаб директори Абдуалим Сулаймонов 1-синф ўқувчиларига эсдалик совғалар тарқатди. Фаол ота-оналар ҳам мактаб маъмурияти томонидан тақдирланди. Бу қувноқлаҳзалар болаларни келгусида маънавий баркамолликка элтишига шубҳа йўқ.

**Иноятулло**  
**ОТАМУРОДОВ,**  
**Жиззах давлат педагогика институти талабаси**

# Юртим тақдири — менинг тақдирим

— Ҳарбий хизмат ҳар бир йигит учун ҳақиқий синов мактаби вазифасини ўтайди. Бу ерда мустақил фикрингизга, кучингизга ишонч ҳосил қилишни ўрганиб, ўз иқтидорингизни намоён этасиз. Энг муҳими, Ватанни севишни, уни асраб-авайлашни ўрганасиз. Бу — Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктдан муддатли ҳарбий хизматга овланаётган пойтахтлик Жавлон Абдурахимовнинг сўзлари.

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги чақирув ва йиғин пунктларида Жавлонга ўхшаган жисмонан соғлом ва бақувват, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ўғлонлар ўз йигитлик бурчини ўташ учун муддатли ҳарбий хизматга йўл олмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорига асосан, муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг оилавий шароити, хизматга тайёрларлигини ўрганиш, уларни сифатли тиббий кўрик, синов ва танловлардан ўтказиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энди ушбу ҳужжат ижроси ва айна кунда қизғин давом этаётган чақирув билан боғлиқ ишлар хусусида бир оз мулоҳаза юритсак.

Бугун йиғин ва чақирув пунктларининг инфратузилмасини ривожлантириш, моддий-техник жиҳозлар, тиббий ускуналар билан янада яхшироқ таъминлаш, биноларнинг иссиқлик ва электр энергияси таъминоти тизими муаммоларини бартараф этиш, чақирувни юқори савияда ташкил этиш, тиббий кўрик хоналарини замон талаблари асосида жиҳозлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 августдаги «Чақирув ва йиғин пунктларини 2010-2012 йиллар давомида реконструкция ва модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги қарорига биноан ўтган вақт мобайнида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, жойлардаги 13 та йиғин ва 177 та чақирув пункти замон талаби даражасига келтирилди. Бутунлай янгича қиёфа касб этган йиғин ва чақирув пунктларида чақирилувчилар учун ётоқхона, ҳаммом, маънавий-маърифий тайёрларлик ва дам олиш хоналари, ахборот бериш хонаси, тиббий кўрик ўтказиш учун махсус жойлар ва бошқа қўшимча хоналар бунёд этилди. Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш, чақирув билан боғлиқ ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш борасида кўрилатган бундай чора-тадбирлар Қуролли Кучларимизни интеллектуал салоҳияти юқори, жисмонан соғлом ва бақувват, қатъий ҳаётий позициясига эга ўғлонлар билан тўлдириш, мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларда тизим ҳодимлари, чақирилувчилар ва уларнинг яқинлари учун яратилган шарт-шароитларни янада яхшилаш имконини бермоқда. Хўш, муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчилар қандай

синов ва танловлардан ўтади? Бу борада Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг масъул ходими, подполковник Улуғбек Қодиров шундай дейди:

— Бугунги кунда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш йиғитларимиздан нафақат саломатликни, балки юқори интеллектуал салоҳият ва кенг дунёқарашга эга бўлиш, юксак маънавий-руҳий тайёрларликдан ўтишни талаб этмоқда. Муҳтарам Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондонининг жорий йил Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида таъкидланганидек, бугунги кунда ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшлар аввалги йиллардаги муддатли ҳарбий хизматчилардан мутлақо фарқ қилади. Ҳозирги вақтда мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган, мамлакатимиздаги лицей ва коллежларда замонавий таълим-тарбия олган йиғитлар армия сафларига кириб келмоқда. Улар замонавий ахборот, компьютер технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаган ва энг асосийси — ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига, ахлоқий-маънавий қадриятларига эга бўлган ёшлардир. Шу боис ҳарбий хизматни ўташ учун ўтказиладиган танлов тадбирларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг жисмоний тайёрларлик даражаси, шахсий мослашув салоҳияти ҳамда билим даражаси текширилади. Улар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонида ишлаб чиқилган саволлар бўйича тест синовларини топширади. Шунингдек, туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимлари томонидан жисмоний тайёрларлиги синовдан ўтказилади. Мазкур синовлардан энг юқори балл тўплаган йиғитлар Қуролли Кучлар сафига чақирилади. Бундан ташқари, муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг оилавий аҳволи, билим даражаси, жисмоний ва интеллектуал салоҳиятини ўрганиш жараёни янада такомиллашиб бормоқда. Чақирув комиссиялари аъзолари таркибига давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакилларининг киритилгани чақирилувчи ёшлар учун ўтказиладиган танлов ва синовларнинг ҳолислигини таъминлаш билан бирга, бу борада қатъий жамоатчилик назоратини кучайтириш имконини ҳам бераётир.

Ушбу жамоат ташкилотлари вакиллари чақирув комиссиялари ишида бевосита қатнашиб, ҳар бир чақирилувчи бўйича қарор қабул қилишда ўз фикрини билдиради. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга ўтказиладиган йиғитларнинг оилавий, мод-



дий аҳволини ўрганиш, ҳар бир чақирилувчига ҳолисона тавсиф берилишини таъминлайди. Шунингдек, чақирув комиссиялари аъзолари чақирилувчиларга муддатли ҳарбий хизматни намуналарга ўтаган ҳарбий хизматчиларга олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун берилаётган имтиёзларни тушунтириш, мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимлари, чақирув ва йиғин пунктларини ёшларда фаол ҳаётий позиция, мамлакат тақдирини учун жавобгарлик, дахлдорлик ҳисси ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга қаратилган кўргазмалар воситалар билан таъминлаш, ҳарбий-спорт мусобақалари ғолибларини ўзлари танлаган қўшин турларига хизматга боришларига ёрдам беради.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида мазкур кенгаш демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва Мудофаа вазирлиги фаолиятини очiq-ошқоралигини, фуқароларнинг мудофаа соҳаси ҳамда ҳарбий йўналишда амалга ошириладиган давлат сиёсатидаги иштирокини таъминлашга хизмат қилиши, ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, армия сафларида хизмат қилаётган ва ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиши алоҳида белгиланган.

Айни кунларда йиғин ва чақирув пунктларида ёшлар Қуролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун тантанали равишда кузатилмоқда.

— Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиб олиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда амалга оширилади, — таъкидлайди Мудофаа вазирлиги масъул ходими, подполковник Улуғбек Қодиров. — Бугун республикамизнинг барча ҳудудларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилганларни ҳарбий қисмларга тантанали кузатишга бағишланган тадбирлар

ҳарбий округ, мудофаа ва ички ишлар бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар кўмитаси вакиллари ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари, уруш ва меҳнат фахрийлари ва ўқувчи-ёшлар иштирокида ташкил этилмоқда. У ерда байрам дастурхони ёзилиб, бадий ва ҳаваскор жамоаларнинг концерт дастурлари намойиш этилмоқда. Ҳарбий хизматга йўл олган йиғитларга эсдалик совғалар топширилмоқда.

Минг бора эшитгандан кўра, бир бора кўрган афзал, деганларидек, биз ҳам ҳарбий хизматга чақирилувчиларни тантанали кузатиш маросимини кўриш учун Тошкент шаҳар кузатов йиғини пунктида бўлдик. Бу ерда қатор бўлиб саф тортиб турган кўркем ва алпқомат, ўктам йиғитларни кузатиб, менинг ҳам аскарлик онларим ёдимга тушиб кетди. Шу онда уларнинг хурсандчилигини кўрсангиз эди-я. Айниқса, ота-оналарнинг... Бундан ака-укаларини опа-сингиллари, яқинлари ҳам хурсанд. Ҳарбий хизматга чақирилганларнинг юзидаги кувноқ табассум, чакнаб турган кўзлари, дадил гап-сўзлари ҳақиқий аскарларга хос.

Тантанали кузатиш маросими бағишланган митингга иштирок этган Мудофаа вазирлигининг масъул ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ота-оналар мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиямиз тобора шаклланиб бораётганини фахр ва ифтихор билан таъкидлашди. Тадбирда ҳарбий хизматга кетаётган ёшларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод туман кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими томонидан эсдалик совғалар топширилди. Тантанали кузатиш маросими байрам концерти ва ота-оналарнинг фарзандлари билан хайрлашувига уланиб кетди. Етмиш беш ёшни қарши олган отахон Очилди Бобомуродов невараси Отабек Азимовни ҳарбий хизматга кузатиш учун Сурхондарё вилоятининг Денов туманидан келган. Отахоннинг неварасини кучоқлаб кўтариб хайрла-

шишига қараганда, анча бақувват. Очилди бобонинг бу шижоатини кўриб суҳбатга тортдик.

— Инсон ҳар доим ҳаракатда, жисмоний машғулот билан шуғулланиши керак, — дейди Очилди бобо. — Шундагина соғлом ва бақувват бўлади. Невараларимга ҳам ҳар доим спорт билан шуғулланишни маслаҳат бераман. Саккиз нафар фарзандим, йигирма саккиз нафар неварам бор. Бугун иккинчи неварам Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш учун ҳарбий хизматга кетяпти. Уларни кўриб, шижоатга тўла қайноқ ёшлигим ёдимга тушди. Афсуски, бизнинг давримизда бундай шароитлар йўқ эди. Узоқ-узоқ ўлкаларда, ота-оналаримиздан олис манзилларда хизмат қилганмиз. Шукрки, истиқлол шарофати туфайли миллий армиямизга эга бўлдик. Фарзандларимиз эса ўз юртимизда, барча шароитларга эга бўлган ҳарбий қисмларда йиғитлик бурчини ўташмоқда. Бундан биз, кексалар хурсандмиз.

Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» маҳалласидан келган Шоира Зияева ҳам фарзанди Жавлон Абдурахимовни ҳарбий хизматга кузатмоқда. Онахоннинг айтишича, бу кенжа фарзанди экан.

— Икки ўғлим, бир қизим бор, — дейди Шоира Зияева. — Катта ўғлим ҳам ҳарбий хизматни ўтаб қайтган. Ҳарбий хизмат йигит киши учун ҳақиқий ҳаёт мактабидир. Унда масъулият нима-лигини, ҳар доим соғлом бўлишни, теран фикрлашни ўрганади. Энг муҳими, ўзининг мустақил фикрига эга бўлади. Бу жиҳатларни фарзандим тилсолида кўраяпман. Биз, ота-оналар фарзандларимиздан хавотирланмасак ҳам бўлади. Улар ўз юртида, етарли шароитларда хизмат қилмоқда. Қолаверса, соғинган пайтларимизда уларни бориб кўришимиз мумкин.

Халқимизда генерал бўлишни орзу қилмаган аскар аскарми, деган гап бежиз айтилмаган. Бунинг замирида катта маъно бор, албатта. Қарангки, Наврўз Нейматов ҳам шу нақлга амал қилган ҳолда ҳарбий хизматга шайланганини айтиб ўтди. Келажакда генерал бўлишни мақсад қилган Наврўзбек оилада тўртта фарзанднинг тўнғини.

— Бугун тенгдошларим орасида ҳарбий хизматга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда, — дейди Наврўзбек Нейматов. — Бу, аввало, юртимизга хизмат қилиш, халқимиз осойишталигини таъминлашдек шарафли бурчни англашдан бўлса керак. Қолаверса, бугун Ватанга муносиб фарзанд бўлиб етишишим зарур эканлигини яна бир бор англаб етдим.

Дарҳақиқат, Ватанга садоқат ва ҳурмат ҳиссини қалбига жо қилиб, киндик қони тўкилган юрт сарҳадларини осойишта сақлаш ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчидир. Бу ҳақда Президентимизнинг мустақиллигимизнинг 21 йиллиги муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригида шундай сўзлар бор: «Бугунги нотинч ва мураккаб замон, яқин ва узоқ ён-атрофимизда, минтақамизда кўпдан буюн давом этаётган низо ва қарама-қаршилик, тобора кескинлашиб бораётган вазият бизнинг доимо огоҳ, доимо хушёр, сергак ва сезгир бўлиб яшашимизни, хавфсизлигимизга таҳдид солаётган ҳар қандай бало-қазонинг олдини олишимизни талаб этмоқда».

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» мухбири.**  
Сардор Муллажонов  
олган сурат

# Биз бефарқ бўлмаган масала

Бугунги кунда дунёда қузатилаётган уруш-талофатлар, бузгунчилик ва инқилобий ҳаракатлар кўп жиҳатдан ахборот хуружлари таъсирида рўй бермоқда. Янги мингйилликда ахборот қудратли қуролга айланди. Шу боис айрим бузгунчи кучлар ундан ўз манфаатлари йўлида, ғаразли мақсадларда фойдаланмоқда. Боз устига, Президентимиз таъкидлаганидек, «Бугунги кундаги замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тигиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, бу воқеа биздан жуда олисида юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди».

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши бир мамлакат ёки минтақа миқёсидаги жараён бўлмай, балки глобал, яъни умумсайёравий характер касб этган. Замонавий ахборот технологияларининг ҳаётимизга жадал суръатларда жорий этилиши охириги юз йил мобайнида мулоқот тезлиги 107 мартаба, ахборотни қайта ишлаш тезлиги 106 мартаба ошишига сабаб бўлди.

Аслида, Юртбошимиз айтганидек, «Жаҳон ахборот майдонида тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда

болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз». Демак, ахборот соҳасидаги хавфсизликни таъминлаш учун фуқароларнинг ахборот маданиятини юксалти-

риш, яъни уларда ахборотни саралаш ва ундан онгли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш зарур. Ахборотдан тўғри фойдаланиш инсон онгининг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Онг даражаси билим даражасига, билим даражаси эса, реал борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш билан боғлиқдир. Кўр-кўрона, яъни таҳлил этмасдан қабул қилиш ёки атайин қорани оққа бўяб кўрсатиш ҳақиқатнинг мақсадли равишида ўзгартирилишига олиб келади. Ахборот майдонида ўз шахсий манфаатларини кўзлаб ахборотни ноҳолис, ноаниқ етказишни ахборот хуружининг дебачаси, десак, хато бўлмайди. Шунинг учун ахборот етказувчи шахс, биринчи навбатда, холислик, аниқлик ва тезкорлик тамойилларига таяниши, ахборотни қабул қилувчи эса, уни мутлақлаштирмасдан, ўз шуури даражасида таҳлил қилиши даркор.

«Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунда ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни тарғиб қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда эса, беҳаёлик, шафқатсизлик ва зўравонлик ҳақида ҳикоя қилувчи, инсон кадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этишларига сабаб бўлувчи адабиётларни тарқатиш, фильмларни намойиш этиш тақиқланиши белгилаб қўйилган.

Интернет тармоғида миллий қадрият ва аъналаримизни ўзида акс эттирувчи веб-сайтларни кўпайтириш, таълим муассаларида интернетдан фойдаланувчилар учун одоб-ахлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган веб-ресурсларга, зарарли ахборотлар тарқалишига йўл қўймаслик, ёшларда ахборотдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш бугунги куннинг муҳим талаби ҳисобланади.

**Жасур РАХМОНОВ,**  
**«Turkiston» муҳбири**

Munosabat

Ta'lim maskanlarida

Навоий давлат педагогика институти қошидаги компьютер технологиялари академик лицейида умуминсоний қадриятларни ўрганишга қаратилган қизиқарли тадбирлар мунтазам ўтказиб турилади.

## Дўстлик — Ғолиб

Яқинда мазкур таълим муассасасида «Обод уйнинг турмуши обод» деб номланган тадбир ўтказилди. Ушбу тадбир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Навоий шаҳар кенгаши ҳамда шаҳардаги «Баҳор» МФЙ ҳамкорлигида кўриктанлов тарзида ташкил этилди. Унда академик лицейнинг 1-«О» ва 1-«Д» гуруҳ жамоалари тўртта шарт бўйича беллашдилар.

Шартларга кўра, жамоалар ўзларининг интеллектуал салоҳиятларини, санъатдаги иқтидорларини намойиш этишга ҳаракат қилишди. Хусусан, сатира ва юмор воситасида ҳаётда учрайдиган айрим муаммоларни кўрсатиб беришди. Нотиклик маҳоратларини кўрсатишди. Улар орасида Достон Маҳмудов, Зарифа Рўзиқулова, Гўзал Ҳикматова, Аббос Кенжаев, Сарвиноз Бобоқулова, Маҳлиё Мирзажонованинг чиқишлари тенгдошларига манзур бўлди.

— Бу каби тадбирлар лицейимизда тез-тез ўтказиб турилади, бу эса ўқувчиларимизнинг нафақат билимли, зукко бўлишлари, балки ўз истеъдод ва қобилиятларини ҳаётда кўрсата билиш кўникмасига эга инсонлар бўлиб камол топишларида ҳам муҳим аҳамиятга эга, — дейди Навоий давлат педагогика институти қошидаги компьютер технологиялари академик лицейининг ахборот-ресурс маркази раҳбари Гуллола Норбоева.

Дарвоқе, беллашувда дўстлик ғалаба қозонди. Фаол иштирок этган ўқувчиларга эсдалик совғалар топширилди.

**Ўткир ПЎЛАТ**

**2013 йилда ҚИШЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!**

**2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;
- Қулай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда;
- Замонавий дизайндаги уйлар;
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равои йўлларга эга;



- Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.

**Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қилинган маблағингиз оилавий режалар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади;
- Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратлади;

- Янги уйлар Сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.



**Келажак учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Омонатингизни кўпайтириш имконияти;
- Имтиёзли фойз ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити;
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
- Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни — тежамкорлик ва арзон нархлар гарови.



**Замонавий қурилиш моллари ва ЮҚОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;
- Бир йиллик сифат кафолати;
- Улгуржи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.



**Марҳамат, мурожаат қилинг:**

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига;
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;
- «Камолот» ЁИХ бўлималарига;
- Хотин-қизлар кўмиталарига;
- «Қишлоқ қурилиш банк» филиалларига, мини банкларига;
- «Қишлоқ қурилиш инвест» филиалларига.

100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз, 36  
Тел.: (+998 71) 150-93-39  
Факс: (+998 71) 150-39-93  
www.qqb.uz  
e-mail: headoffice@qqb.uz

# Истеъдод шунчаки юз очмайди

Ўз бағрига 520 нафар ўқувчини сиғдира оладиган Оққўрғон туманидаги 43-мактаб ўтган йили давлат дастурига биноан капитал таъмирлашдан чиқарилгач, ўзига хос замонавий фусункорлик касб этди. Ўқув-тарбиявий ишларни сифатли ва самарали олиб бориш учун қулай шарт-шароит юзага келди.

Кейинги йилларда мактаб жамоасининг қўлга киритаётган ютуқлари салмоқли. Ўттиздан зиёд юқори малакали устозлар 360 нафар ўқувчига чуқур ва сифатли билим беришга ҳаракат қилишмоқда. Дарс самарадорлигининг доимий оширилишида илғор тажриба ва маҳорат жуда қўл келмоқда. Баҳодир Эрбўтаев, Абдуҳаким Оққулов, Сайёра Дадабоева, Мушарраф Муҳаммадқулова, Мавлуда Турсунова, Саодат Халилова, Камолитдин Мукаррамов сингари илғор ўқитувчиларнинг янгича изланишлари, илғор педагогик технологиялардан унумли фойдаланаётгани таҳсинга сазовор.

Мактабда фан ва спорт тўғрақларига алоҳида эътибор берилади. Айниқса, футбол бўйича мактаб терма жамоаси туманда етакчи ҳисобланади. Экология ва саломатлик кўнига бағишлаб ўтказилган йирик турнирда мактаб жамоасининг фахрли биринчи ўринни эгаллагани ҳам фикримиз исботидир.

Бундан ташқари, мактабда мусиқа тўғраги фаол иш олиб боради.

«Булбулча» номли болалар хор жамоаси ташкил этилган. Абдурахим Бегмонов раҳбарлигидаги мазкур хор жамоаси анчагина танилиб бормоқда. Улар бир неча бор Ўзбекистон телевидениесининг «Ассалом, Ўзбекистон!» тонги дастурида ўз чиқишларини намойиш этишди. Шунингдек, мактабнинг иқтидорли болалари ҳам республика телевидениесига ўз маҳоратларини намойиш этиб келишяпти.

Ўқувчилар билимининг сифат даражасини мустаҳкамлашга, иқтидорли болалар билан кўпроқ ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мактаб иқтидорлилар, истеъдодли болалар масканига айланиб қолган. Устоз-мураббийларнинг иқтидорли ўқувчиларга алоҳида эътибор билан ғамхўрлик кўрсатаётганлиги ўзининг самарасини бермоқда. Жумладан, адабиёт йўналиши бўйича мактабнинг 6-синф ўқувчилари — Хулкар



Шерзодова ҳамда Наргиза Турдалиева «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичида муваффақиятли иштирок этиб, мутахассислар томонидан уларнинг ижоди юқори баҳоланди.

— Иқтидорли ўқувчилар мактабимиз фахрига айланиб қолган, — дейди биз билан суҳбатда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Хусния Пардаева. — Истеъдод гунчалари юз очиб, дилларни мунаввар этиб бормоқда. Биз айнан ана ўша истеъдодларга таянган ҳолда навоийхонлик ва бобурхон-

лик кечаларини кўтаринки руҳда ўтказа олдик.

Булардан ташқари, тасвирий санъат йўналиши бўйича 6-синф ўқувчиси Суғдиёна Раҳмонқулова, 8-синф ўқувчиси Лобар Қосимова, рақс йўналиши бўйича 5-синф ўқувчиси Мадина Акрамжонова, моҳир қўллар йўналиши бўйича 9-синф ўқувчиси Ўғилой Қўчқорова ушбу нуфузли танловларнинг туман босқичларида муваффақиятли қатнашиб голиб бўлишган.

**Ашуралӣ БОЙМУРОД,**  
«Turkiston» муҳбири

## Mening fikrim

# Кўп томонлама фойдали

Сиз бир касбни эгаллаясиз. Соҳангизга доир фақат бир ёки иккитагина тилда чоп этилган адабиётларни ўқиб чиққанингиз қайдаю, уч-тўрт тилда эълон қилинган зарур адабиётлар билан танишишингиз қаерда? Албатта, орада сезиларли фарқ бўлади. Хорижий тиллардаги китоб ва қўлланмалар сизнинг билим доиранингизни кенгайтириши шубҳасиз, шундайми?

Бугун мамлакатимизда биз, ёшларнинг хорижий тилларни янада кўпроқ, янада чуқурроқ эгаллашимиз учун ғоятда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳар бир мутахассис ўз касбининг сир-асрорларини ўрганиш билан бирга чет тилларини ҳам пухта ўзлаштиришини бугун замоннинг ўзи тақозо этапти.

Умуман, бирорта чет тилини билиб қўйиш ҳеч кимга зарар қилмайди, балки у вақти келганда беқиёс ютуқлар, муваффақиятлар олиб келиши мумкин. Масалан, тадбиркор бўласиз, дейлик. Фирма ёки компаниянгиз хорижий компаниялар билан ҳамкорлик қилади. Сиз агар икки-учта чет тилини мукамал билиб қўйсангиз, улар билан муносабатларда сиз нафақат ўзингизнинг, фирма ёки компаниянгизнинг, балки мамлакатимизнинг манфаатини ҳам етарли даражада ҳимоя қила олишингиз мумкин. Зеро, тил, чиройли ва ўткир нутқ билан ҳам кўп ишлар олдинга силжийди.

Бугун нафақат ёшлар, ўқувчию талабалар, балки ўқитувчилар, фан номзодлари ва докторлар, профессорларга ҳам чет тилини ўрганиш талаби қўйилмоқда. Зеро, устозларимизнинг ўзлари чет тилларини мукамал билишлари биз, талаба-ёшларга ҳам катта илҳом, куч-қувват беради.

**Сайёра ЗУПАРОВА,**  
ЎЗМУ талабаси

## Mutaxassis o'goh etadi

Қишнинг сўнги оғи бошланиб, олдимиз баҳор бўлгани билан бу ҳали қаҳратон ариди, кунлар тезда илиб кетади, дегани эмас. Буни англаган кишилар ҳушёрликни йўқотмай, хонадонларининг ҳамиша иссиққина бўлиб туришига ҳаракат қилишлари табиий.

# Электр ускуналардан тўғри фойдаланинг

Бунда баъзан уйларга ўрнатилган иситиш мосламаларидан ташқари, кунлар ўта совуқ кезларда қўшимча иситиш мосламаларига ҳам эҳтиёж туғилишини тушунса бўлади. Бироқ кўпинча, учрашувларда, ўтказилган ташвиқот тадбирларида қайта-қайта тушунтиришларга қарамасдан, айрим юртдошларимиз орасида электр иситиш асбобларидан меъёри билан фойдаланмаслик, уларни куну тун электр тармоққа улаб қўйиш ва етарли эътибор қаратмаслик оқибати аянчли бўлаётган ҳоллар кўп учрайди. Юз берган ёнгин ҳолатларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу кўнгилсиз ҳодисалар уй эгаларининг лоқайдлиги, бепарволиги натижасида содир бўлган бўлади.

Шу ўринда юртдошларимизга баъзи қоидаларни эслатиб ўтаман.

Ҳеч қачон қўлда ясалган электр ускуналарни харид қилманг ва фойдаланманг. Давлат стандартлари асосида ишлаб чиқарилган ускуналардан фойдаланишдан олдин унинг йўриқномаси билан яхшилаб танишиб олинг ва унга амал қилинг. Мабодо фойдаланаётган асбоб-ускунада кичкина носозлик сезсангиз, уни уста ёрдамида бартараф этинг. Фарзандларингиз, айниқса, ёш болаларнинг бу ускуналар билан ўйнашига, фойдаланишига жуда эҳтиёт бўлинг. Ушбу қоидаларга риоя қилсангиз, офатлардан узоқ бўласиз, деб умид қиламиз.

**Дилшод БОЛЕГЕНОВ,**  
Тошкент шаҳар ЁХБ 12-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отряди 23-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми катта инспектори, сержант



## Ҳарбий денгизчилар байрами

Шотландия миллий байрами Ur Nelly да нафақат мамлакатда, балки бошқа давлатларда ҳам кенг нишонланди.

Бу миллий байрамнинг ўзга байрамлардан фарқи байрам кунинда барча Шотландиялик эрақлар қадимги Скандинавиянинг ҳарбий денгиз аскарлари кўринишида бўлади. Кун ёришганидан кўчага чиққан денгизчилар қош қорайгунга қадар кўшиқ айтиб рақс тушадилар. Маълумотларга қараганда, бу байрамда икки жамоага бўлиниб олиб, ким ўзарга турли хил мусобақалар ўтказиш аънанасига жуда кўп йиллар муқаддам асос солинган экан. Байрамнинг асосий қисми эса эшак эшиш мусобақасидир. 1889 йилдан буён байрамнинг бир қисми сифатида қўшилган эшак эшиш мусобақасида ёшу қари бирдек қатнашади.

## Автогол буюкликка соя соладими?

«Реал-Мадрид» клуби етакчиси Криштиану Роналду ўз фаолияти давомидаги илк автоголни киритди.

Натижада Испания чемпионатининг навбатдаги турида «Реал-Мадрид» клуби Гранадага 1:0 ҳисобида имкониятни бой берди. «Лос-Карменес» стадионида бўлиб ўтган учрашувнинг 22-дақиқасида бурчақдан оширилган тўпни Роналду ўз дарвозасига киритиб қўйди. Уйин сўнгига қадар Моуриньо шогирдлари қанча ҳаракат қилишмасин, ҳисобни ўзгартира олишмади.

«Реал» айна пайтда 22 учрашувдан кейин 43 очко билан мусобақада 3-ўринни эгаллаб турибди. «Валенсия» билан дуранг уйнаган «Барселона»дан 16 очко ортада қолиб кетмоқда.

Роналду кўп танқид қилинмоқда. Бироқ жорий мавсумда 21 та гол уриб тўпурақлар сафсида бораётган, UEFA рамзий термасига етти марта киритилган, яъни рекорд натижани қайд этган ўйинчини илк хатоси учун айблаш ўринлимикан?

## Кўчирмачилар жазосини олишди

Гарвард университетининг олти нафар талабаси кўчирмачилик айби билан талабалар сафидан чиқаришди.

Маълумотларга қараганда, Гарвард университети маъмурияти шу билан чекланмасдан, яна эллиқдан ортиқ талабага шу айб билан турли хил жазолар қўлади. Бундай кескин қарорга келишга ўтган йили 125 нафар талаба бир-бирига ёрдам бергани сабаб бўлди. Уша вақтда бунга Гарвард университети томонидан жиддий қаралмаса-да, бу воқеа жамоатчиликда салбий фикр уйғотган эди. Гарвард университети раҳбари Дрю Фауст кетма-кет бўлган воқеага ўз муносабатини билдирар экан, бу университет обрўси тўкилишига олиб келишини айтди. Кўчирмачилик бошқа ўқув курсларига нисбатан анча осон курс имтиҳонида содир бўлган.

**Интернет манбалари асосида Жаҳоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

Javohir

## Алишер Навоий

Сочинг ранги анбармудур, мушки Чинму,  
Лабинг таъми шакармудур, ангубинму?

Куярга кўнгул лаълинг эрмасму ўтлуқ,  
Гулунгни қадаҳ қилмамиш оташинму?

Кўнгул ганжига қуфл эмасму бошоғинг,  
Янги доғ эмас анда, нақши нигинму?

Дединг масту ошиқни қатл айламишмен,  
Дегил қолди бир шайхи хилватнишинму?

Мени боғ гулгаштига чекма, деҳқон,  
Вафолиг, дегил, гулмудур ё саминму?

Навойнинг кўнглига кор қилмас,  
Фигон тортма, йўқса оҳи ҳазинму?



Саидалихон Эргашўжазода ўн бир ёшда. Бундан бир йил муқаддам ўртоқларидан пойтахтимиздаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази ва ундаги «Ракета модель» тўғараги ҳақида эшитганди. Марказга бориб кўргач, кўрганлари эшитганларидан ҳам зиёд эканига ишонч ҳосил қилди ва тўғаракка аъзо бўлди. Шу-шу Саидалихон ракеталар оламида яшайди.

— Устозимиз Алишер акадан ракеталарнинг ўндан зиёд моделини ясашни ўргандик. Уч йил ичида яна кўплаб моделларни ўрганамиз. Ҳар гал тўғаракка келаётганимда ҳаёлимда, бугун қандай моделини ўрганарканмиз, деган ўй бўлади, — дейди ёш ракета моделчи.

Бўлар бола бошидан, деб шунга айтсалар керак-да!..

Сардор МУЛЛАЖОНОВ фотолавҳаси

## YON DAFTAR CHANGIZGA

Бадфеъл кишига рағбат билдирсанг ёки ён берсанг, унинг феъл-хўйи тағин ҳам баттарлашади.

Эзоп

Таран- нум этиш, куйлаш	Юздаги аъзо	Сабаб, боис	Пил- лапоя	Хам тоғ, хам мо- тоцикл
"Қимир- лаган қир ..."	Мазкур, шу	Сотти келин лақаби	"... ёрти - бир бутун"	
Арқон	Билан	Қизлар исми	"... ўтар, вақт ўтар" (қўшиқ)	
Шодон, кувноқ	"...йи тамом бўлди"	"Етти ўлчаб бир ..."	Арнольд Шварце- петтер лақаби	Будаа ибодат- хонаси ходими
Ақл, онг	"... она ҳайкали"	Авто русуми	"... тўй тарқамас"	Антик ер ости «илоҳи»
Жавобгар масъул	Брендон ... (актёр)	Юнусова (актриса)	Тарихий шаҳар	Чегара, поён
Осмон жисмла- рини ку- затиш	"Калида ва ..."	Номус	Ким Пем ... (арбоб)	Қирмизи, алвон
Қиш ойлари- дан бири	Капур (актёр)	Тортиқ, совға	Ижобий ранг	Қовун шақли
Буюм, матоҳ	Озуқа хили	Ёнидаги (иглизча)	Заҳарли бақа	Ҳара- қатли ўйин
"... Жоди (актриса)	Йовович	Безак, жило	Белги, биттик	Турман

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

## Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2012» танловига марҳамат!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» республика танловида қатнашишга таклиф этади.



Танловга 2012 йилнинг 1 июнидан 2013 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиозиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга тахририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

«Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30, 35-хоналар.**  
Телефонлар: 244-64-61;  
244-64-62; 244-37-87.  
[www.Journalist.uz](http://www.Journalist.uz)